

*Mahmudova Nozimakhon Bakhridinkhanova
Namangan Institute of Engineering and Technology,
freelance researcher*

**ECONOMIC ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF THE
SERVICE SECTOR IN SMALL BUSINESS AND PRIVATE
ENTREPRENEURSHIP
(IN THE CASE OF NAMANGAN REGION)**

Abstract: This article discusses the current situation and economic analysis of small business and private entrepreneurship service sector in Namangan region.

Key words: small business, private entrepreneurship, service industry, local production, labor resources

*Махмудова Нозимахон Баҳридинхонова
Наманган мұхандислик-технология институти,
әрқин тадқиқотчысы*
**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА
ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИНинг ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ
(НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

Аннотация: Ушбу мақолада наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хизмат күрсатиш соҳасини бугунги ҳолати ва иқтисодий таҳлили ҳақида фикр юритилған.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хизмат күрсатиш соҳаси, маҳаллий ишлаб чиқариш, меҳнат ресурслари

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хизмат күрсатиш соҳасида автомобиль, телевизорлар, калькуляторлар, электро-тиббий жиҳозлар каби электр ва электрон маҳсулотлар, проекторлар, кондиционер ускуналари ҳамда кўплаб майший техникаларни таъмирлаш каби фаолият турлари катта роль ўйнайди.

Оддий технологиялардан фойдаланган ҳолда оддий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва маҳаллий мавжуд моддий ҳамда меҳнат ресурсларига боғлиқ бўлган кичик бизнес субъектлари мамлакатнинг исталган жойида ташкил этилиши мумкин. Улар ҳеч қандай жойлашув чекловларисиз кенг тарқалиши мумкинлиги сабабли, саноатлаштириш ва хизмат қўрсатишнинг афзалликларидан ҳар бир ҳудудда фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, улар мамлакатнинг мутаносиб ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Инсонларнинг яширин кўникумлари ва истеъоддлари кичик капитал қўйилмалар ва кичик бизнесни бошлаш учун деярли ҳеч қандай расмиятчиликларсиз ҳақиқатга айлантирилиши мумкин бўлган бизнес ғояларига йўналтирилиши мумкин. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришнинг арzonлиги кичик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рақобатбардошлигини келтириб чиқаради. Шуни таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кичикилиги туфайли тез ва ўз вактида қабул қилинган қарорлар уни ривожланиш имкониятларини кенгайтиради.

Кичик бизнес субъектларининг бандликни таъминлаш, мамлакатнинг мувозанатли минтақавий ривожланиши ва экспортни рағбатлантиришга қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кичик бизнес секторини, хусусан, барча иқтисодий тармоқлар ҳамда ахолига хизмат қўрсатишни рағбатлантириш ва ривожланишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада ҳукуматимиз инфратузилма, молия, технология, кадрлар тайёрлаш, хомашё ва маркетинг соҳасида ёрдам қўрсатиш орқали ҳудудларда ўз-ўзини иш билан таъминлаш имкониятларини рағбатлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан қўрсатилаётган турли сиёsat ва кўмак тизимлари маҳаллий ресурслар, хомашё ҳамда маҳаллий ишчи кучидан фойдаланишни талаб қиласди. Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу яратилган имкониятлардан тўла қонли фойдаланиш натижасида Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ўсиб, ижобий натижаларга эришиб келмоқда (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари

T/p	Кўрсаткичлар номи	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	ЯҲМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни нг хизмат кўрсатиш корхоналарининг улуши, %	76,0	78,7	78,4	79,5	79,7	77,6	78,7
2.	Корхоналари сони, бирлик	6598	7321	7932	8321	8913	9317	10273
3.	Хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд. сўм	770,8	1059,9	1308,2	1783,2	2440,2	2740,1	3193,3

2.1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2015 ййилда ЯҲМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш

корхоналарининг улуши 76,0 %ни ташкил этган бўлса 2021 йилга келиб 2,7 % ошиб, 78,7 %га етди. Бу эса ўз навбатида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўрни юқорилигидан далолат беради.

Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ҳам 2015 йилга нисбатан 2021 йилда 3675 тага ўсиб 10273 тага етган ва бу ўз навбатида Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш ҳажмини фаолият кўрсатаётган субъектларга нисбатан оладиган бўлсақ, 2015 йилда 11,7 млн. сўм ва 2021 йилда 31,1 млн. сўмга етиб, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини нафақат миқдор жиҳатидан балки, сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётганлигини ифода этади.

Д.Н.Бахрахнинг фикрича: “Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-хуқуқий институт, давлат органларининг маҳсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат”¹. Хизматчи ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ўзига хос муносабатларга киришади. Бу муносабатларнинг мазмунини хизмат тури ҳамда хизмат олиб борилаётган ташкилотнинг хусусиятлари белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор учун истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишдан бошқа истеъмолчига таъсир қилишнинг йўли йўқдир. Аммо, бу тадбиркор истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши кераклигини билдиrmайди. Тадбиркорнинг ўзи истеъмолчининг талабини шакллантириши, янги зарур

¹ Бахрах Д. Н. Административное право. – М., 1993.

бўлган хизматлар турини яратиши лозим. Мамлакат иқтисодиётида хизматлар соҳаси, жумладан, аҳолига пуллик хизматлар қўрсатиш бошқа тармоқлардагига нисбатан барқарор ривожланиб бормоқда. Капитал сиғими юқори бўлмаган ва унча мураккаб бўлмаган технологияларни талаб этувчи хизмат қўрсатиш соҳаси тармоқларининг нисбатан юқорироқ суръатлар билан ривожланиши натижасида бу соҳа ичидаги таркибий ўзгаришлар рўй берди.

Албатта, бундай сифат ўзгаришлари йўналишига давлатнинг бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга қаратилган кўп томонлама иқтисодий сиёсати ҳам таъсир қўрсатмоқда. Шу маънода, Наманган вилоятида ҳам хизмат қўрсатиш соҳасида фаолият қўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бундай ҳаракатларни амалга оширилаётганлиги пировардида нафақат иқтисодий жиҳатидан барқарорлигини балки, молиявий ҳолати ҳам яхшиланиб бораётганлигига намоён этмоқда (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат қўрсатиш соҳасининг молиявий қўрсаткичлари

T/ р	Кўрсаткичла р номи	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Хизмат кўрсатишдан даромадлар, млрд. сўм	1057,7	1113,4	1471, 9	1833,6	2998, 5	3366, 9	3738, 8
2.	Хизмат кўрсатишда жами харажатлар,	162,4	176,5	192,8	208,5	226,6	246,3	267,8

	млрд. сўм							
3.	Хизмат кўрсатишида бандлар сони, киши	4123	4869	5123	5963	6123	6591	7210

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасидан келган даромад 2015 йилда 1057,7 млрд. сўмга тенг бўлди. Бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 2681,1 млрд. сўмга ошиб 3738,8 млрд. сўмга етди. Албатта, бундай натижаларга эришишида сарфланган харажат миқдори ҳам ўсиб борди. Хусусан, 2015 йилда 162,4 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2021 йилда 267,8 млрд. сўмга етиб, харажатлар рентабеллиги 2015 йилга нисбатан 2021 йилда 7,5 %га ўсиб яқин 14,0 %га тенг бўлди.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сонига эътибор қаратадиган бўлсак, 2015 йилда ушбу соҳада ишлаётганлар сони 4125 нафарни ташкил этган бўлса, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни”² ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартағи "2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш билан 2021 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони 2015 йилга нисбатан 3087 нафарга ортиб, 7210 кишига етди.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасининг соҳада бандлар сонига нисбатан хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар 2015 йилда 25,7 млн. сўмга тушган бўлса

² Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни, Тошкент, Шарқ, 1998.

2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 51,9 млн. сўмга тушиб бу ўз навбатида соҳада фаолият кўрсатаётган хизматчиларни қў尼克ма ва салоҳиятини ошиб борганилигини кўрсатади. Бундан ташқари, соҳада ўз истеъмолчиларни шакллантиришда хизматларнинг янгилиги ва унинг мижоз манфаатига мослиги, хизматларнинг сифати, нархи ва универсаллик даражаларига аҳамият берилаётганлигидан деб қараш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатлар тажрибасидан хусусий тадбиркорлик, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари жамият тараққиётининг барча жабҳаларида ижтимоий-иктисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу соҳанинг ривожланиши мамлакат аҳолиси бойишига, иктисодиёт ривожланишига, истеъмол бозори тўйинишига ва давлат бюджети тушумлари кўпайишига ҳамда ишсизлик камайишига олиб келади.

Жаҳондаги энг ривожланган мамлакатларда ишга яроқли аҳолининг 65-70 фоизи ана шу хизматлар бозори соҳаларида фаолият кўрсатади ва уларнинг иктисодиётдаги салмоғи ҳам жуда юқори. Эътиборлиси, мамлакатимизда ҳам хизматлар бозори жуда катта истиқболга эга. Чунки, хизмат бир вақтнинг ўзида ҳам иктисодий, ҳам ижтимоий соҳани ўзида мужассамлаштиради³. Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминлаш билан бирга, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иктисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

³ Б.Т.Байхонов Хизмат кўрсатиш тармокларида инвестициялаш жараёнларини эконометрик тахлили, “Бизнес эксперт”: №9(93)-2015.

Хизмат кўрсатиш соҳаси муҳимлигини яна шундан ҳам англаш мумкинки, сўнгги йилларда уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматининг қатор фармон ва қарорлари, жойларда эса унинг ижросини таъминлаш юзасидан ривожланиш дастурлари ва бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Белгиланган дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни якунлаш учун замин яратди. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Натижада, ахборотлаштириш хизматининг жуда оммавийлашиб бораётганлиги хизмат кўрсатиш тармоқларининг бу даражада ривожланиши ва унинг таркибида хилма-хил мини турдаги хизматларни кенг тараққий этаётганлигида жумладан, компьютер ва интернет хизматларини, уларни таъмираш каби янги хизмат турларини, замонавий пуллик хизмат – жўнатиш каналлари (Paynet, Unipay, Western-union ва бошқалар)ни шаклланиши ва ривожланишини таъминлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг майший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу боис, республикада хизмат кўрсатиш тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рафбатлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида хизмат кўрсатиш тармоқларига давлат дастурлари асосида имтиёзлар ва имкониятлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Бахрах Д. Н. Административное право. – М., 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни, Тошкент, Шарқ, 1998.
3. Б.Т.Байхонов Хизмат кўрсатиш тармоқларида инвестициялаш жараёнларини эконометрик таҳлили, “Бизнес эксперт”: №9(93)-2015.
4. Bitner, M. J., Ostrom, A. L. & Morgan, F. N. (2008) Service Blueprinting: A Practical Technique for Service Innovation, California Management Review, 50(3), 66-94
5. Эргашев, А. М. (2017). Ўзбекистонда кичик бизнес ва оиласий тадбиркорликни молиявий институтлар томонидан қўллаб-куватланиши. *Иқтисодиёт ва таълим*, 8(6), 106.
6. Ergashev, A. Experience of foreign countries and uzbekistan in development of small business.
7. Эргашев, А. М. (2016). Аҳоли фаровонлигини таъминлашда оиласий тадбиркорликнинг ўрни ва ахамияти. Тежамкорликнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари. 2(174), 254.